

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ**

ШОИРА ҲАМИДОВА

**ЭСТРАДА ТЕАТРИ ВА
УНИНГ ЖАНРЛАРИ**

Тошкент – 2009

Мазкур қўлланмада эстрада санъатининг ўтмиши, унинг жанр ва шакллари, синтетиклик хусусиятларига оид масалалар ёритилган. Шунингдек, бир катор йирик эстрада санъаткорларининг ижодига шарҳлар берилган, муаллифнинг диплом спектакллари таҳлили мисолида Ўзбекистон Давлат санъат институтида эстрада театри актёрларини етиштиришдаги тажрибалари умумулаштирилган.

Қўлланма санъат институти талабалари ва профессор-ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

С. ТУРСУНБОВ,

санъатшунослик номзоди, профессор

Тақризчилар:

А. АЗИЗОВ,

санъатшунослик фанлари номзоди,
Тошкент шаҳар миллий рақс мактаби ўқитувчиси

М. УМАРОВ,

фалсафа фанлари номзоди,
Ўзбекистон Давлат санъат институти доценти

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Давлат санъат институтининг Илмий Кенгаши томонидан 2009 йил 27 апрелда 9-сонли баённома билан нашрга тавсия этилди.

© Ҳамидова Ш., Тошкент, ЎзДСИ, 2009.

МУҚАДДИМА

Жаҳон санъати майдонида қадим-қадимдан театр қатори замонавий тилда “Эстрада санъати” деб аталувчи санъат тури одамлар орасида энг оммабоп кўнгил очиш воситаси бўлиб келган. Бу санъат турли мамлакатларда турлича: Англияда мюзик-холл, Францияда варьетте, кабаре, АҚШда шоу, ревю каби номлар билан юритилади. Ўзбекистонда кенг маънога эга томоша номи остида халқ маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлиб келган.

“Томоша” тушунчаси жуда кенг маънога эга: рақс ҳам, кўшиқ ҳам томоша, ҳатто, кураш ва бошқа анъанавий спорт тури ҳам томоша деган ном билан халқ эътиборини тортган ва улар орқали одамлар ҳордиқ чиқарган, кўнгил ёзишган.

Эстрада санъатига Ўзбекистон миллий энциклопедиясида (10 жилд, 274 бетда) шундай таъриф берилган: “Эстрада санъати – кенг маънода кўнгилочар, оммабоп бадиий, адабий, мусиқий, рақс томошаси ва б. жанр ва шаклларнинг умумий ифодаси, тор маънода – сахнавий профессионал санъат тури”.

Истиқлол йиллари эстрада санъати ривожини учун кенг имкониятлар очилди. Пойтахт ва вилоятларда ўнлаб ижодий гуруҳлар пайдо бўлиб, Ўзбек давлат эстрада, “Ўзбекнаво” бирлашмаси доирасида кенг томошабинлар оммасига хизмат қилиб келади.

Эстрада санъатига ёш мутахассисларни етиштириш мақсадида Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан 1997 йил Ўзбекистон Давлат санъат институтида “Эстрада ва оммавий томошалар санъати” бўлими очилиб, шу ўтган вақт мобайнида бир неча гуруҳ эстрада режиссёрлиги ва актёрлиги гуруҳлари тарбиялаб етиштирилди. Тошкентда алоҳида Эстрада коллежи, Ўзбекистон Давлат консерваториясида Эстрада санъати факультети очилди.

Булардан кўриниб турибдики, эстрада санъати мутахассисларига эҳтиёж катта. Гап шундаки, эстрада санъати истиқлол даврининг юксак эстетик ва маънавий талабларига муносиб тарзда юқори профессионал даражаси билан эътироф этилиши керак. Бу аввало, у соҳада профессионал таълим савиясини ошириш, яъни ўқув жараёнининг ўзига хос услубий ва

методологик асосларини ишлаб чиқиш, илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш, оммалаштиришдек жиддий вазифани амалга оширишни тақозо этади.

Санъат институтида драма театри ва кино актёрлиги, режиссёрлиги, мусикали драма театри актёрлиги йўналишларида жуда бой тажриба тўпланган.

Театрларимизда муваффақият билан ишловчи ва ҳатто номлари чет элга ҳам тарқалган актёрлар, режиссёрлар шу институтда етишиб чиққан.

Бу борада анчагина китоблар, қўлланмалар ҳам яратилди. Р.Усмоновнинг “Режиссура”, Ж.Маҳмудовнинг “Актёрлик маҳорати”, Т.Азизовнинг “Менинг режиссёрлик ишларим”, каминанинг “Телережиссёрлик касбий таълимида актёрлик маҳорати” каби қўлланмалар шулар жумласига киради.

Эстрада актёрлиги бўлимида актёрлик маҳоратига, бой тажрибага эга профессор-ўқитувчилар дарс бериб келишмоқда. Сир эмаски, эстрада актёрини тарбиялаш драма актёрини тарбиялашдан анча фарқ қилади. Шу боис ўқитувчилар орасида тажрибалар алмашиш, яъни ўз педагоглиги бўйича орттирилган, тажрибаларни умумлаштириб ўқув жараёнига жорий этилса, бу касбий таълим савиясини ошириши турган гап.

Саҳна ижодкорини тарбиялаш ўта машаққатли иш. Бўлғувси ижодкорнинг ҳар бири ўзи бир олам: унинг шахсий ва ижодий табиатини англаб йўл кўрсатиб, аста-секинлик билан истеъдодини очиб бориш педагогдан ҳам юқори истеъдод, педагогик зийраклик ва билимдонлик талаб этади. Мен чорак асрга яқин вақт мобайнида аввал драма актёрлиги, драма режиссёрлиги, телережиссёрлик бўлимларида актёрлик маҳорати ва режиссура фанларидан дарс бериб, бир қанча талабалар гуруҳини етиштириб чиқарган бўлсам ҳам, ҳамон янги талабалар қаршисида ўзимни ҳеч нарса билмайдиган ожиз бир киши тарзида сезаман. Театр педагогикаси соҳасида фақат талабагина ўқимайди, у билан бирга педагог ҳам таҳсил олади, яъни талабани ўрганади, унга яраша репертуар топади, табиатига хос истеъдод куртакларини очишга ҳаракат қилади.

Эстрада санъати бой тарихга эга. Унинг доирасида кўпдан кўп томоша турлари, жанрлар яшаб халққа хизмат қилиб келган.

Шу боис, аввало эстрада санъатининг тарихи, жанрлари, баъзи буюк намояндалари ҳақида мулоҳазалар баён этиш ўринлидир.

ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Академик М.Раҳмоновнинг “Ўзбек театри” (кадим замонлардан XVIII асрга қадар, 1975 й.), “Ўзбек театри” (XVIII асрдан XX аср аввалигача ўзбек театри маданиятининг тараққиёт йўллари, 1968 й.) китобларида ўзбек театрининг 22 асрлик тарихи баён этиб берилган. Булардан ташқари санъатшунослик фанлари доктори, профессор М.Қодированинг “Ўзбек театри анъаналари” (1976 й.), “Темурийлар даврида томоша санъатлари” (2007 й.) китобларида ҳам ўзбек театри турли жанр ва томошаларга бойлиги илмий асослаб берилган.

Ўзбек анъанавий санъатлари соҳасида икки йўналиш кенг ривож топган: биринчиси, халқ орасида халқ истеъдодлари иштирокида кўрсатилиб, ҳар бир кишининг кўнгил очиш воситасига айланувчи оммавий халқ санъати бўлса, иккинчиси, санъаткорликни ўзига касб қилиб олган профессионал ижодкорлар санъатидир.

Биз юқорида келтирган китобларда халқ орасидан чиққан юқори истеъдодли санъат кишиларини ўз малакасини ошириб, чинакам санъат мўъжизаларини яратувчи усталар ижоди ҳақида хикоя қилинган. Бу халқ театри номи билан яшаб келган театрдан фарқли равишда “Анъанавий театр” атамаси билан илм-фан объектига айланди.

“Анъанавий театр” деганда ҳозирги тушунчадаги, яъни адабий асар актёр, режиссёр ижодига асосланган театр кўз ўнгимизда гавдаланмаслиги керак. “Театр” сўзи ўзбек тилига XIX асрнинг охирида кириб келди, бу атамани қадимги маъноси нуқтаи назардан қаралганда “Томоша” деб тушунилиши лозим. Қадимдан Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда томошалар одатда очиқ майдонларда, маълум сайлгоҳларда ўтказилган. “Томоша” қизиқчи ва масхарабозлар қатори турли-туман санъат жанрларида моҳир уста санъаткорлар ўз хунарлари билан халқни ўзига ром этишга ҳаракат қилганлар. М.Қодиров Амир Темури даврида томоша санъати ғоятда юксалганлиги

ҳақида асосли маълумотлар келтирган. Найрангбозлик, ромчилик, дор ўйини, от ўйини, маймун, илон ўйнатиш, муаллақ, ёғоч от, тош ва олов пуркаш каби хилма-хил жанрларни ўз ичига олувчи халқ цирки ҳам томоша санъатининг бир тури ҳисобланган.

Ўзбек анъанавий театри ёзма адабий матн асосига эмас, балки импровизация – бадиҳа асосига қурилган театр эди. Маълум сюжет ва лавҳалар аввалдан истеъмолда бўлиб келган сўз, тасвир ифодалари асосида томошабин кўз ўнгида ўзига яраша таҳрирдан ўтказилиб, қайта туғилувчи санъат асари сифатида намоиш этилган. Ўзбек анъанавий театри XX аср ва айниқса 1950 йиллардан сўнг кенг ўрганилиб, юзлаб халқ драмалари усталардан ёзиб олинган. Анъанавий театр актёри – қизиқчи бугунги эстрада театри нуктаи назаридан баҳоланадиган бўлса, дадил айтиш мумкинки, бу чинакам эстрада артисти бўлиб келган экан. Эстрада санъати бу ифода воситаларининг лўнда ёрқинлиги билан томошабинга бевосита таъсир кўрсатиш санъатидир.

Анъанавий театр актёрлари синкритик санъат усталари бўлишган. Улар сўз устаси бўлиши билан бир қаторда рақс, кўшиқ ва яна турли хил афсунгарлик, аския ёки қиссахонлик каби жанрлардан ҳам хабардор кишилар бўлишган.

Санъаткорлар бундай кўпқиррали санъат турларини устоз қўлида йиллар давомида машқ қилиш орқали ўзлаштирганлар. Устоз корфармон деб аталган. Ўзбек анъанавий санъатида, жумладан, қизиқчилик театрида ҳам устоз ўз шогирдини турли санъатларни эгаллаш қатори маънавий баркамол инсон сифатида ҳам тарбиялашни ўз бурчи деб билган.

Ўтмиш бой қизиқчилик анъаналари XX асрга атокли санъаткорлардан Юсуф қизиқ Шакаржонов (1869-1959) ва бир қатор бошқа санъаткорлар ижоди орқали етиб келди. Юсуф қизиқ XIX асрнинг машҳур қизиқчиларидан Саъди Махсум устозлигида ўн йилча тарбия олиб, сўнг ўз труппасини тузади. Фарғона водийсида мусиқа, рақс ва кўшиқчилик санъати халқ орасида ғоятда эътиборли бўлган. Устозлар Юсуф қизиққа ёшлигидан доира чалиб, ашула айтиш, бадиҳа воситасида қизиқчиликлар қилиш, аскияга қўшилиш, пухта репертуар яратиш каби соҳаларини ўзлаштиришда катта ёрдам

кўрсатганлар. “Катта ўйин”, “Хона базм” деб аталувчи рақс туркумларини у жуда яхши ўзлаштирган санъаткор эди. У XIX асрнинг ўзидаёқ бир юз эликка яқин доира ва ногора усулларини ўзлаштириб олган.

Юсуф қизик Шакаржонов қатори XX асрнинг биринчи ярми ва 1950-60 йилларда Оҳунжон қизик Ҳузуржонов, Ака Бухор Зокиров сингари ўнлаб қизикчилар қадимий санъат анъаналарини янги давр эҳтиёжларига мослаштирган ҳолда ривожлантириб халққа хизмат қилиб келдилар.

Биз қизикчи санъаткорлар тўнғич авлоди ҳақида сўз очишимизнинг боиси шундаки, уларнинг ижодий традициялари ҳозирда ҳам давом этмоқда.

1950 йилларда қизикчиларнинг янги авлоди саналган анъаналарни давом эттириш қатори замонавий эстрада шакллари ҳам кенг равишда ўзлаштириб борадилар.

Қизикчилик шаклидаги анъанавий томошалар Фарғона водийсида етишган ёшлар ижоди мисолида ўз ифодасини топди. Юсуф қизик Шакаржоновнинг тўнғич ўғли Зайнобиддин Юсупов (1923-1992) отаси ва унинг сафдошлари ёрдамида ўзлаштириб, янги шароитга мослаб, таҳрирдан ўтказилган қизикчилик томошалари янги давр томошабинларига жуда ёқиб тушди. З.Юсупов томонидан тузилган “Марғилон хандаси” 1986 йили Қўқонда ўтказилган аскиячилар ва қизикчилар Республика кўригида иккинчи ўринни эгаллади. Бу гуруҳга кирувчи ака-ука Зайнобиддин ва Мадамин Юсуповлар, қизикчи ва аскиячи Мамасидиқ Шеряев ижро этган “Хитой табиб”, “Дорбозлик” комик томошалар – анъанавий театрға хос қатъий матн ва уни томоша билан бевосита боғлиқликда ижро этиш усули алоҳида эътибор қозонди. Бу асарлар Республика телевидениесида ҳам намойиш этилди.

Юқоридаги санъаткорлар қатори яна Муҳиддин Дарвешов (1938-1995)нинг 1970-1980 йиллар етакчи қизикчи сифатида фаолият кўрсатганлиги эътиборға молик. “Муҳиддин қизик Дарвешовнинг кулгили ҳикоялари ва латифаларини қуйидаги туркумларға бўлиш мумкин, - дейди М.Қодиров. – биринчиси, ўз ҳаёти ва бошидан кечирган воқеаларни кулги воситасида ҳикоя қилиш; иккинчиси, устоз қизикчилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи кулгили ҳикоялар ва латифаларни ижро этиш;

учинчиси, Абдураим довдир ва Мамараим эркак саргузаштлари; тўртинчиси, ҳаётий воқеалардан сўзлаш, латифалар айтиш”.¹

Европача усулдаги ўзбек эстрада санъатини дунёга келтириш ва ривожлантиришда атоқли санъаткорлар Муҳиддин Қори Ёқубов ва Тамарахонимларнинг баракали ижоди алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Муҳиддин Қори Ёқубов (1896-1957) юксак артистлик истеъдоди, мафтункор жарангдор овози билан 1920 йиллардаёқ ўз юртидан ташқари чет элларда ҳам шуҳрат топган эди. 1925 йили Парижда жаҳон декоратив санъатлар кўригида ўзбек санъаткорлари биринчи бор чет элда ўз санъатини намойиш этади. Бу Муҳиддин Қори Ёқубов ва Тамарахонимнинг хорижда илк бор тан олиниши бўлди. 1926 йили М.Қори Ёқубов “Этнографик ансамбль” ташкил этади ва шу жамоада ажойиб созандалар, ракс, қўшиқ усталари жам бўлиб, ўзбек эстрада санъати намуналарини яратадилар. “Ўзбек санъатини тарғиб этиш ишида инсоф билан айтиш керакки, Қори Ёқубовнинг хизмати беқиёсдир, - деган эди Тамарахоним, - фақат унинг афсонаваш куч-ғайрати, санъатга бўлган мутасаддилар она севгиси туфайли, унинг санъатнинг халқ ҳаётидаги аҳамиятини чуқур тушунганидан 1923-1926 йилларда ўзбек санъаткорлари бутун жаҳонга таниқли артистларга айландилар, ўзбек қўшиқ ва ракс санъати миллионлаб томошабинларни ўзига ром этди”.²

Эстрада санъатининг маликаси даражасида халқ хурмат-эътиборини топган Тамарахоним Петросова (1906-1991) ўзбек қўшиқ ва ракс санъатини биринчи бўлиб чет элларда намойиш этди. Тамарахоним бир пайтнинг ўзида ҳам қўшиқ айтарди, ҳам раксга туша оларди, яъни синкритик ижодкорликнинг ёрқин намояндаси эди. Ўзбек қўшиқларидан ташқари у рус, украин, корейс, тожик, қозоқ ва бошқа ўнлаб тилларда қўшиқ айтди ва ўз санъатининг профессионал чархланганлиги, самимий ва жозибадорлиги билан чет элларда кенг шуҳрат топди.

1950 йилларда эстрада санъатининг яна бир улуғ намояндаси - Ботир Зокиров (1936-1985) ўз ижоди билан ўзбек қўшиқчилиқ маданиятини янги авлод томошабинларига янгила

¹ Қодилов М. Ўзбек театри тарихи. –Т., 1968, 218-219-б.

² Абдиева Л. Муҳиддин Қори Ёқубов. –Т.: Ф.Фулос, 1984, 121-б.

оҳанг ва ифода усулларида намоиш этди. Б.Зокировнинг фавқулудда бой ижодий изланишлари ва юксак кўшиқчилик маданияти билан ўзбек эстрада тарихида янги босқич очилди.

Дунёга машҳур бўлиб кетган “Ялла” ансамбли бизнинг санъат институтимиз бағрида униб, катта санъатга йўл олганлиги ва бу ёш жамоани туғилиши, оёққа туришида профессор-ўқитувчиларимизнинг ҳиссаси бўлганлиги кишини фахр ҳисига буркамай иложи йўқ. “Ялла” ансамбли ўзбек эстрадаси ҳаётига янги тўлқин олиб кирди ва бу жамоа ўн йиллар давомида ўзбек эстрада шинавандаларинигина эмас, шу катори хорижлик санъатсевар ёшларнинг ҳам энг севимли ва ардоқли жамоаларидан бирига айланди.

ЭСТРАДА ИЖОДКОРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Санъатда ижодкорлик икки турга бўлинади: ижодкор-яратувчилик ва ижодкор-ижрочилик. Масалан, композитор мусиқа басталайди – яратади, уни эса созанда ижро этади. Композитор ўз ижодий фантазияси, ижодкорлик лаёқати ёрдамида аввал бўлмаган, янги нарсани яратади. Композитор яратган мусиқа асарини, айтийлик кўшиғини кўшиқчи ижро этади. Агар кўшиқчи ижро этмаса, ёзилган мусиқа ноталарда ўлик ҳолида қолаверади. Кўшиқни айтилиши энди аввал йўқ бўлган яна бир ижод намунасини дунёга келтирилиши демакдир. Бирламчи манбани яратиш ижодкорлик ҳисоблангани каби ижрочилик ҳам ижодкорликдир. Бунинг бош сабаби ижрочиликнинг ўз қонуниятлари мавжудлиги. Шу боис санъат асари икки хил ижодкорликнинг ўзаро қўшилишидан дунёга келади.

Ижрочилик ижодкорнинг ўз номидан шахсий ҳиссиётидан туғилса-да, у ўзини ижрочи сифатида ўша асарда жонлантирилган образ орқали намоён этади. Яъни ижрочи бадиий образ номидан чиқади ва ўз иқтидорини шу образнинг бутун борлиғи билан томошабинни ром этадиган даражада намоён этиши билан кўрсатади.

Ижрочилик бу маълум бирламчи манбаа – кўшиқ, монолог, шеър каби асарларга асосланса-да, у мустақил

ижодкорлик саналади. Композиторнинг кўшиқни ёки балетмейстер яратган рақснинг иккинчи умри, яъни халққа хизмат қилиш тақдири ижрочига боғлиқ, агар ижрочи чинакам юқори истеъдод эгаси бўлса, унинг ижроси асарнинг узок яшашлик тақдирини белгилаб бериши мумкин.

Агар биз театр билан эстрада санъатини таққослайдиган бўлсак, ҳар иккаласи ҳам ижрочилик санъати эканига гувоҳ бўламиз. Театр ҳаётий воқеликнинг адабий асар (пьеса, сценарий) орқали хатти-ҳаракат воситасида ифода этса, эстрада ижрочилиги сўз, мусиқа, кўшиқ, рақс каби санъат турлари орқали ҳаёт ҳақида ҳикоя қилади. Шу маънода театр актёри билан эстрада актёри ижрочилигида ўзига хосликлар мавжуд. Театр спектакли декорация, тегишли сахнавий муҳит реаллигини тақозо этади. Бу ерда актёр қатори мусиқа, декорация каби компонентлар ҳам асар моҳиятини ифода этишда муҳим роль ўйнайди. Эстрада театрида ҳатто декорация бўлиши шарт эмас. Бу санъатда театр томошабинга кўрсатилувчи эстетик таассурот, асосан, актёр орқали амалга оширилади.

Театрда актёр турли компонентлар билан боғлиқ ҳолда ўз вазифасини адо этади. Ролдаги актёр томошабин билан бевосита мулоқотга киролмайди. Сабаби, у ўз ролини руҳий кечинмаларини хатти-ҳаракат орқали чуқурлаштириб ўзаро тўқнашув жараёнида ўз образи орқали томошабинга актёрлик истеъдодини кўрсатиши мумкин. Театр актёри ҳаёт ҳақиқати, инсон тақдирини конкрет образ орқали намоён этиш билан томошабинга таъсир кўрсатади.

Эстрада актёри ўзидаги бор ҳунарни ҳикоя, кўшиқ, рақс, кизикчилик орқали баён этади. Уни кўпроқ ровий-ҳикоячи дейиш мумкин.

Биз санъатда яратувчи-ижодкор, ижодкор-ижрочи деган ижодкорликнинг икки турини санаб ўтдик. Ижодкорликнинг учинчи тури ҳам бор: ҳам яратувчи, ҳам ижро этувчи ижодкор, ўзи тўқийди ва ижро этади. Ўзбек анъанавий театри актёрлари – кизикчилар айнан шундай ўзи яратувчи, ҳам ижро этувчи санъаткорлар тоифасига киради. Анъанавий театр актёри ижрочилиги импровизация асосига қурилган санъат. Унда образли ифодалаш, шарт-шароитга қараб томошабин

эътиборини тортиш болалигидан машқ орқали кўникмага айланган ажойиб ижодкорлик фазилати ҳисобланади. Унинг таъсир воситаси истаганча топилади: керагида лўқма ташлайди, латифа айтади, кўшикка ўтади, ундан рақсга ўтади, шеър ўқийди ва ҳ.к.

Эстрада томошаларида актёр роль ижро этиш орқали ҳаёт манзараларини жонлантирувчи бадий баёнчи сифатида кўринади. Шу ҳол унинг касбий даражаси юқори ва кўп қиррали бўлишини тақозо этади. Юзлаб томошабинлар кўз ўнгиди ҳаракат қилувчи эстрада актёри ижодкор сифатида ҳам, маънавий комил шахс сифатида ҳам ўзини кўрсата олиши лозим бўлади. Бу эстрада актёри нақадар кўпқиррали истеъдод эгаси ва тайёргарлиги етарли бўлиши ўз-ўзидан маълум. Томошабин саҳнада турган актёрни савия, маданият жиҳатидан етарли даражада эмаслигини сездими, тамом, ундай санъаткорнинг ўзини ҳам, санъатини ҳам тан олмайди.

Ўзбек замонавий эстрада санъати жуда кўп истеъдодларга бой, хусусан, Ўзбекистон давлат санъат институтининг актёрлик ва эстрада актёрлиги бўлимларини тугатиб катта санъатга йўл олган ўнлаб ёш истеъдод эгалари кўп қиррали санъаткор эканлиги билан эътибор топпоқдалар. Уларнинг катта қисми анъанавий театр анъналарини давом эттириб келмоқдалар. Улар ҳам яратувчи-ижодкор. Мирза Холмедов, Хожибой Тожибоев, рассомлик бўлимида етишиб чиққан Обид Асомов каби сўз усталари томошабинни қизиқчилик-бадиҳагўйликда минглаб томошабинларни ўзига ром этиб, эстрада санъати чиндан ҳам энг оммабоп санъат эканини кўрсатиб келмоқдалар.

Эстрада актёрининг театр актёридан фарклантирувчи жиҳатларидан бири, у аксарият ҳолда томошабин билан бевосита мулоқотда бўлади. Театрда актёр спектаклда роль ижро этувчи актёрлар билан ўзаро ансамбль бўлиб ҳаракатда бўлади ва унинг томошабин билан бўладиган мулоқоти шу образ орқали амалга ошади. Театр санъатининг табиати шундай. Эстрада актёри грим, парик каби роль учун зарур ифода воситаларида кўриниши шарт эмас. Шу сабабли томошабин эстрада актёрини ўзи қандай бўлса, шу тарзда кўради ва санъатдаги лаёқатига, укувига, касбий даражасига қараб баҳо беради.

Актёрнинг ижтимоий нуфузи ниҳоятда баланд ва масъулиятли. У ўз касби, табиатига кўра халққа маънавий озуқа берувчи ва шу боис, доимо сахнада ҳам, ҳаётда ҳам кишиларнинг кўз ўнгида турувчи касб эгасидир. Яъни, актёр сахнада гўзал ғоя ва эзгулик ҳақида сўз очиб ҳаётда унга зид ҳаракат қилишга ҳаққи йўқ. Бошқача айтганда, ҳаётда ҳам у ўз ахлоқий гўзаллиги, маданияти ва маънавий комиллиги билан кишиларга ибрат бўлиши лозим бўлади.

Эстрада актёрлик ижоди, айтилганидек, бу алоҳида ўзига хос эстетик талабларга асосланган ижод. Актёр бу театрда турли жанрларда ўз лаёқатини кўрсатиш имконига эга бўлиши керак.

Эстрада томошаси турли жанр асарлари уйғунлиги тарзида намоиш этилади. Сўз, ҳикоя, латифа, мусика, қўшиқ, рақс – актёр буларнинг барчасини эгаллаган ҳолда, вазиятга қараб биридан иккинчисига табиий ўтиш ва яхлит манзара ярата олиши лозим.

ЭСТРАДА САНЪАТИДА ЖАНР ВА ШАКЛЛАР

Эстрада санъати жанр ва шакллари шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчиси, сўз асосига қурилган – эстрада театри жанрлари, иккинчиси, турли санъатлар синтези асосига қурилган концерт шаклидаги томошалар.

Концерт сўзи латинча *concerto* – мусобақалашув маъносидан келиб чиқиб, қадим замонларда турли соҳаларда, шу жумладан, бадий ижрочилик соҳасида ўтказилган мусобақалашувни англатади. Мусика, рақс, қўшиқ ва бошқа ифода омиллари уюшувида ўтказилувчи томоша тури кейинчалик концерт номи билан истеъмолга кирган.

Ўзбекистонда концерт тушунчасидаги томоша таъкид этилганидек, анъанавий театр доирасида ва турли-туман байрам ва сайлларда халқ орасида кенг тарқалган кўнгилочар томошаларда ўз ифодасини топиб келган. Концерт сўзи XIX асрнинг охирида европача театр ва эстрада шакллари ҳудудга кириб келиши муносабати билан ўзбек тилига кириб келган.

Концерт эстрада томошаси шакллари орасида энг кенг тарқалган шаклидир. Созанда, қўшиқчи, раққосаларнинг ўз

истеъдодларини намоён этиш орқали томошабинда дилхушлик кайфиятини туғдириш, концерт шаклининг асосий мақсад ва моҳиятини белгилаш вазидан у шаҳарлардан ташқари узоқ қишлоқларда, очиқ майдон ва шийпонларда ҳам кўрсатилиб келинди. Вилоятлардаги театрлар ижодий фаолиятини асосий йўналишлари концерт томошаларидан иборат бўлиб келган.

Концерт ижрочиси ким? Уни ижрочи деб атасалар-да, аслида актёр, яъни қўшиқ айтганда ҳам, рақсга тушганда ҳам, монолог, ҳикоя айтганда ҳам у муайян персонаж – лирик қаҳрамон, ҳажвий персонаж, қисқаси, иккинчи шахс номидан айтади. Унинг маҳорати шу персонажнинг феъл-атворини ўзига хос ифода усуллари орқали очиш билан белгиланади.

Сўз – адабий матн асосига қурилган томоша шакли жонли сўз санъати турини бунёд этади. Бу борада адабий ижод билан боғлиқ хилма-хил жанр асарлари концерт репертуарини белгилаши мумкин. Мўъжаз ҳикоялар, фелъетон, масал, поэтик асарлар ва бошқа адабий-бадий ифода намуналари актёр ижроси натижасида ажойиб эстетик таъсир манбаига айланиши мумкин.

Бадий сўз ижрочилигига асосланган эстрада томошаси адабий ифода омилларининг ранг-баранг, фикрий теран ва енгил, осон қабул қилинувчи манбаларга бўлиниши актёрлардан турлича ёндашувни талаб этади. Бир гуруҳ адабий матнлар бўладикки, улар масалан, фелъетон, латифа, ҳикоя кабилар томошабинни қулдириш, кайфиятини ошириш маъносида яратилганлигидан актёрдан ҳам унинг юзидаги фикрни ифодалаш билан чекланиш талаб этади. Масалан, сиёсий публицистик матнлар бўладикки, уларни актёр бутун моҳияти ва эмоционал таъсирини ифода этиб бериши керак. Бир актёр театри деб аталувчи томоша тури, масалан, фақат кўнгилочиш мақсадига қаратилган ва яна актёрдан кенг билимдонлик ҳамда профессионал комилликни талаб этувчи турга эга. Бу ҳақда кейинроқ алоҳида тўхталамиз.

Концерт турининг қайси бирини олмайлик, улардан нутқий ифода бирида кенгроқ, бирида камроқ, кўзланган мақсадга қараб албатта маълум ўринга эга бўлади. Конферанс деб аталмиш ижодкор, ҳозирда кўпинча ўртақаш, бошловчи деган номлар билан юритилувчи иштирокчи қўшиқ, рақс

ораларида бирон бир латифа ёки қизик ўғит билан концертда ўзаро боғлиқлик ҳосил этиб боради.

Шунингдек, буткул нуткий ифода асосига қурилган адабий-бадий асарлар томошасида мусикий, қўшиқчилик каби ифода воситаларидан ҳам кенг фойдаланиш лозим бўлади. Шу зайлда бадий сўз ижрочилиги томошасида ҳам актёрлик санъати том маънода синтетиклик табиатини ато этиб, томошабинда кучли эмоционал таассурот уйғотади.

Биз бадий сўз санъати жанрлари таърифига ўтишдан аввал, яна эстрада концертларининг баъзи турлари ҳақида тўхталиб ўтишимиз лозим.

Мусикий концерт – мутахассислари орасида янги мусикий асарлардан хабардор бўлиш, мусикий ижод жараёнида бўлиш заруратидан кенг тарқалган концерт шакли ҳисобланади. Мусикий концерт нафосат, мусиқа шинавандалари учун маънавий, эстетик озуқа олиш манбаи ҳисобланади. Киши адабий асар орқали адабий-бадий асарлар ижрочилиги – концертсиз ҳам ўзи ўқиб таассурот олиши мумкин, албатта. Лекин томошабинлар билан бир залда умумий таассурот олиш ўзгача ҳис-кечинмалар оғушида кишини алоҳида эстетик завқланишга сабабчи бўлади.

Мусикий концерт тури хилма-хил бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек композиторларининг янги асарлари “концерти”, бирон бир машҳур созанда, айтайлик Турғун Алиматов, Абдуҳошим Исмоиловдек усталар концерти бўлиши мумкин. “Симфоник асарлар концерти”, “Бетховен асарлари концерти”, “М.Бурхонов асарлари концерти” кабилар бўлиши мумкин. Гоҳ-гоҳ Ўзбекистон Давлат консерваториясида “Орган концерти” ўтказилиб турадики, бу пойтахтимизда орган мусикасига қизиқувчиларнинг кўплигидан далолат беради.

Концерт эстрада томошасининг қайси турига киришидан катъи назар у турли санъатлар синтези асосида рўёбга чиқади. Лекин, унинг асосини санъатнинг қайси тури белгиласа, у шунга боғлиқ ҳолда номланади. Масалан, ракс концерти қўшиқсиз бўлмаганидек, қўшиқ асосига қурилган концерт ҳам ракс санъатидан холи бўлмайди. Ҳар бир концерт тури турли санъатлар қоришиғида ранг-баранглик касб этади, эстетик таъсир кучини оширади.

ТЕАТРЛАШГАН БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

Истиклол яратган имкониятлар эстрада санъати маъносини, жанрлари доирасини ҳам бениҳоя кенгайтириб юборди. Айнан шу даврда театрлашган оммавий байрам томошалари эстрада санъати тарихида илк бор профессионал даражада – давлат байрам томошалари сифатида пойтахтдагина эмас, вилоятларда ҳам ўтказиладиган бўлди.

Ўзбекистоннинг мустақиллик кунига бағишланган оммавий байрам томошаси биринчи 1992 йили Истиклолнинг бир йилига бағишлаб Бош майдон – Мустақиллик майдонида ўтказилди. Ўшандан буён ҳар йили август ойининг охирида Бош майдонда маҳобатли томошалар уюштириш одат тусига кирди.

Мустақиллик даврининг бунёдкорлик руҳи ижтимоий-иқтисодий ислохотлар соҳаси қатори бадиий ижоднинг барча йўналишларида ўз ифодасини топмоқда. Миллий қадриятларга диққат-эътибор туфайли собиқ шўро даврида оёқ ости қилинган Наврўз ҳам давлат даражасида халқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Наврўз байрам томошалари ҳам мустақиллик кунига бағишланган байрамлар каби алоҳида тайёргарликлар билан ўтказилади.

Ҳар икки оммавий байрам томошалари мазмун ва моҳияти жиҳатидан бир-бирини тўлдириб, Истиклол даврининг буюк бунёдкорликлари тимсоли сифатида халқимиз маданий ҳаётидан ўрин олди.

Мустақиллик кунига бағишланган байрам томошалари пойтахтимизнинг бош майдони – Мустақиллик майдонида, Наврўзга бағишланган байрам эса буюк Алишер Навоий ҳайкали пойида миллий боғда алоҳида жиҳозланган майдонда ўтказилади. Ҳар икки байрам томошаларида саккиз-ўн мингтача профессионал санъаткор, ҳаваскорлик жамоалари, ўнлаб техник ифода ходимлари хизмат қилиб, тахминан шунча томошабинга хизмат қилади. Томошалар йўлдош тасвир орқали дунёнинг эллик мамлакатига олиб кўрсатилади.

Байрам томошалари маълум композицион пухталиikka эга бўлиб, унда эстрада санъатига хос жамики шакл ва ифода усуллари қўлланилади.

- бадий сўз ифодаси: байрамнинг моҳияти ҳақида Президент сўзи, суҳандоннинг томоша жараёнида айтилувчи шарҳ ва изоҳлари, қизикчилик ва аския пайровлари, актёрларнинг сиёсий-публицистик сўзлари;

- Ракс-пластик ифода омиллари: турли ансамбллар, ўзбек мумтоз ракслари, балет-хореографик манзаралар.

- цирк ва спорт ифода омиллари: акробатлар чиқишлари, полвонлар тош кўтариш, тош ўйнатиш, спорт пластик томошалар, дор ўйини;

- Техник ифода омиллари: ёритиш усуллари, мушакбозлик.

Ҳар бир блокнинг ўз мутасадди режиссёр, балетмейстер ва бошқа ижодий раҳнамолари бўлиб, улар тайёргарликнинг биринчи кунидан, уларни намоиш кунига қадар шу блок ижрочилари билан ҳамнафас бўлиб, бош режиссёрнинг кузатуви остида томошани маълум маромда ўтишини таъмин этиб борадилар. Кўпгина байрам томошалари сценарийси доимий режиссёр ва бадий раҳбар Ўзбекистон халқ артисти Рустам Ҳамидов билан ҳамкорликда ёки баъзан мустақил ҳолда А.Орипов муаллиф сифатида иштирок этган. Н.Отабоев, Б.Сайфуллаев, А.Исмоилов, А.Убайдуллаев, Б.Ҳамидов ва бошқа ўнлаб режиссёрлар ушбу байрамларни ўтказилишида фаоллик кўрсатиб келадилар.

Истиқлол даври маданий ҳордиқ чиқариш, кўнгил очиш воситалари учун шу қадар кенг имкониятлар яратиб бердики, деярлик ҳар ҳафта мамлакатимизда қандайдир шонли воқеа ёки байрамга айланган кунга бағишланган сайлу томошалар ўтказилади. 1 январь – янги йил байрами куни, 14 январь – Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари ташкил этилган кун, 21 март – Наврўз байрами куни, 27 март – халқаро театр куни, 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни, 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни, 8 декабрь – Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун ва яна булардан ташқари шонли байрам кунлари мавжудки, улар маънавий ҳаётимизнинг ранг-баранг ва ўзига хос бетакрор манзараларини намоиш этади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига бағишланган томошалар халқимиз маданияти тарихининг муҳим босқичларига айланган. 1992 йилги Ўзбекистоннинг бир

йиллигига бағишланган байрам чинаккамига умумхалқ байрам томошасига айланган эди. Бош майдоннинг икки томонида ўрнатилган Ўзбекистон: “Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик” деган шиорлар ёзилган ҳаво шарлари кўкка кўтарилади, карнай-сурнайлар садоси кўкни қоплайди, томошани бошланишидан дарак беради. Саҳнага тарихимизнинг буюк сиймолари кириб келадилар, Алишер Навоий, Мирза Бобур, Нодира, Увайсийлар ўз шеърӣ сатрлари билан кишилар дилига нафосат ва гўзаллик хиссини жо этадилар.

Тарихӣ ўтмиш ва замонавий ҳаёт бир-бирига туташ тарзда кўрсатилган ушбу томошада эстрада театрига хос жанрлар, ифода шакллари ранг-баранглиги ўзини алоҳида яхши жиҳатларини намоён этади. Майдон бўйлаб ўтган “Ипак йўли” карвони ҳаёлимизни узоқ замонларга етаклайди. Спитамен, Тўмарис, Широқ ҳақидаги қаҳрамонона лавҳаларда шахдам қадамлар ташлаб кириб келади, парашютлардан шунқорлари айнан майдон марказига тушадилар. Истиқлол даврини шукуҳли муҳити болажонларнинг шахдам чиқишлари, кўшиқ ва рақслари билан алоҳида фойзли кайфият ҳосил этади. Майдонга жаҳон ва Ўзбекистон мусобақаларида Республика байроғини баланд кўтарган спортчилар кириб келадилар.

Байрам томошасининг ғоявий-бадий қимматини оширувчи саҳналардан бири истиқлол туфайли аввал қатағон килинган буюк сиймоларнинг жонли тимсолларини саҳнада кўрсатилиши эди: Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир кабилар халқимизнинг ардоқли фарзандлари сифатида иштирокчиларнинг қарсақларини гавдалантиришда Ё.Аҳмедов, Т.Мўминов, М.Абдуқундузов, С.Юнусова, Т.Юсупова, Я.Абдуллаева каби атоқли санъаткорлар иштирок этганлар.

Байрам оқшомида Мустақиллик майдони ғоят улуғвор ва тантанавор тусга киради. Ранг-баранг байроқлар, турфа ранг чироқ нурлари билан тутшиб байрамона кайфият уйғотади киши қалбида. Карнай-сурнайлар садоси остида байрам бошланади, Ўзбекистон мадҳияси янграйди, мамлакатимиз байроғи кўтарилади, сўз Президентимиз И.А.Каримовга берилиши эълон қилинади. Президент одатда галдаги буюк сана

– Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида сўз айтади ва сўнг томошанинг асосий қисми бошланади.

Ҳар бир байрам томошасининг ўтган йилнинг турли соҳаларда эришилган ютуқларни умумлаштирувчи бош мавзуси бўлиб композицияда ифода этилган воқеалар шу мавзунини очишга қаратилган бўлади.

1993 йилги байрам томошаси “Беш китъа”, кўшиқ, рақс, музика тизими асосига қўрилган бўлиб “Ўзбекистон дарвозаси бутун дунё учун очик” шиори остида ўтган эди. Унда Ҳиндистон, Хитой, Туркия каби мамлакатлар санъати намуналари ўнлаб ижодий жамоалар ижросида намойиш этилган эди. Композицияда ўзбек халқининг шонли тарихи улугъ сиймолари тимсоллари орқали ифода этилди. Марказий Осиёдаги Республикаларнинг эстрада санъати намояндаларининг иштирок этиши, жўшқин туркман рақслари, тожик, қозоқ, қирғиз халқ кўшиқлари байрам томошасининг гўзал лавҳаларини белгилаб берди. Ушбу байрам томошасида етти мингдан ортиқ профессионал ва ҳаваскорлик жамоаларининг вакиллари қатнашиб, ўз санъатларини намойиш этдилар.

1994 йилги байрам “Яйра, Ўзбекистон” деб аталувчи янги вокал-симфоник асарининг тантанавор оҳанглари билан бошланиб, “Соғлом авлод учун” деган лавҳаларнинг музикаий ва пластик тасвир ўйин-кулгилари, спортчи қиз-йигитларнинг чиқишлари Истиқлол даври бунёдкорлик шукуҳини кўз-кўз қилади. Байрам томошасида “Тарих саҳифалари”, “Ўзбекистон халқлар дўстлиги давраси”, “Ўзбекистон санъати турфа ранг” каби дастурий лавҳалар орқали халқимизнинг Истиқлол йилларидаги муваффақиятлари ифода этилди.

Ўзбекистон истиқлол йилларида мисли қўрилмаган шиддаткорлик билан ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш бўйича кураш олиб боради. Республикамиз тараққиётининг ҳар бир йили маълум ном билан аталиб, шу ном юксалишнинг маълум рамзий маъносини англатар эди. Шу боис, байрам томошаларида ҳам шу номлар кўпинча асосий шиорлардан бири сифатида ўз ифодасини топган. Масалан, 1997 йил “Инсон манфаати йили”, 1998 йил “Оила йили”, 1999 йил “Аёллар йили” каби шиорлар шу йиллар байрамларининг ўзига хос моҳиятини белгиловчи мавзуга айлантирилди. 2008 йили

“Ёшлар йили” мамлакатимизда ўн еттинчи бор Мустақилликни нишонлаш умумхалқ байрами сифатида Бош майдонда ўтган байрам томошасининг етакчи йўналишини белгилаб берди. Мустақиллик даврида туғилиб вояга етган ёш авлоднинг нурли ҳаёти бу композициянинг асосий мазмунини белгилаб берди.

Бош майдонда ўтказилган байрам томошалари маданий ҳаётимизда рўй берган муҳим воқеалар бўлиб, уларда санъатимизда етишиб чиқаётган ёш авлод вакиллари кекса ва ўрта авлод вакиллари билан ўзаро уйғун тарзда ўзларининг оригинал санъати билан кенг майдон сари йўл олмоқдалар. Байрам аҳли биргина машҳур “Ялла” ансамбли гуруҳини неча марталаб ҳаяжон билан кутиб олишга гувоҳ бўлганмиз. Муяссар Раззокова, Ғуломжон Ёкубов, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Кумуш Раззокова ва яна қанча- қанча атоқли санъат намояндалари байрам томошаларига файз киритиб халқимиз олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Томошагоҳ узра турли ранг, бўёқларга бурканган раққосалар гуруҳлари, мумтоз ашулалар оҳанги яйрайди, хорижда турли халқаро фестивалларда юқори ўринларни эгаллаган ёш созанда ва қўшиқчиларнинг чиқишлари байрам шукуҳига алоҳида файз бахш этади. Бу байрамларда қанча-қанча ажойиб рақс гуруҳлари томошабинлар ҳайрихоҳини қозонган “Баҳор”, “Лазги”, “Шодлик”, “Зарафшон”, “Тановор”, Муқимий номи Республика мусиқали драма театри жамоаси, вилоятлардан ташриф буюрган профессионал ва ҳаваскорлик гуруҳлари — буларнинг жами байрам томошаларининг ижодкорлари сифатида иштирок этадилар.

БИР АКТЁР ТЕАТРИ

Эстрада театрининг бу тури алоҳида лаёқатли шахс — ижодкорлар ташаббуси билан туғилади ва шуҳрат топади. Масалан, Россияда Аркадий Райкин театри шундай кенг шуҳрат топган театрлардан ҳисобланган. Аркадий Райкин театри бир актёр театри дейлса-да, лекин бу асосий ижодкор ёнида яна бошқа тажрибали актёрлар ҳам у билан шериклашиб роллар ўйнаган. Атоқли сўз усталаридан Евгений Петросян, Геннадий

Хазановлар ҳам шу йўлни тутиб, ўз атрофларига ҳамфикр ижодкорларни жалб этиб фаолият кўрсатиб келадилар.

Рус эстрада театрининг бу машҳур намоёндалари ҳақида сўз очилар экан, кўз ўнгимизда ўзбек бир актёр театрининг улкан ижодкори Мухсин Ҳамидов тимсоли гавдаланмай иложи йўқ. У чорак асрдан кўпроқ вақт давомида Ўзбек давлат филармонияси доирасида ўз театрини тузиб, якка ўзи ижод қилди ва бир актёр театрининг эстетик тамойилларини амалда намоён этди.

Мухсин Ҳамидов (1913-1999) Қўқон шаҳрида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган. 1929 йили ҳозирги Ўзбек Давлат миллий академик драма театрида актёр сифатида иш бошлаган. М.Ҳамидов бир актёр театри тамойилларини шу театрда атоқли режиссёр Маннон Уйғур устозлигида уруш йиллари ватанпарварлик руҳидаги шеърлар устида ишлаш орқали ўзлаштириб боради.

М.Ҳамидовнинг бир актёр театри спектакллари – томошаларини кўриб, бу санъаткорнинг юксак истеъдодига кўплаб тафаккур соҳиблари юқори баҳо берганлар. “Санъаткорнинг қувваи хотираси чексиз, табиий эмоционал эҳтирос, ҳиссиёт тўлқинлари билан соатлаб томошабин қалбини ларзага солади, - деб ёзади атоқли шоир ва драматург Туроб Тўла, - томошабин икки соат бу санъаткорни тинглаб таъсирланиб, ҳаяжонланиб ўтиради. Нур, овоз ранглари, мусиқа ва мизансцена такомили, ҳолат томошабинга бир нафас кимирашга имкон бермайди”.¹

М.Ҳамидов театри ташқи безакдор, эътибор тортувчи декорациялардан холи фақат актёрнинг ижро маҳоратига асосланган театр эди. Унинг репертуари адабий композициялардан иборат бўлиб, улар маълум ғоявий ният йўналишида турли парчалардан тузиларди. Уларда ранг-баранглик жанрлар хилма-хиллиги орқали жилоланиб турар эди. Баён-ҳикоячилик, лирик чекиниш, қаҳрамонона романтик кўтаринкиликнинг ифода усуллари композицияда нуткий ўзгаришлар ушлаб туришга хизмат қиларди. М.Ҳамидов композицияларни Ҳамид Ғулом, Туроб Тўла каби шоирлар жалб

¹ “Ўзбекистон маданияти” газетаси, -Т., 1987 йил, 3 июнь.

этиб улар билан биргаликда ўзи яратган. Барча композицияни биргина радист ёрдамида четдан бирон бир актёрни жалб этмай ҳамиша якка ўзи ижро этган. “Сўз сеҳргари эди, - дейди Ўзбекистон қаҳрамони, атокли санъаткор Зикир Муҳаммаджонов. - Актёр тахминан икки соатдан кам бўлмаган муддатда томошабинларни ўзига жалб қилиб турмоғи зарур. Бунда баъзан бутун бошли пьесаларни ёд олиниб, турли қиёфаларда ўқилиши лозим бўлади. Мухсин Ҳамидовнинг беқиёс хотираси, овозидаги оҳангдорлик, Шарқ адабиётини яхши билиши бунга имконият туғдирган эди. Шу боис, биринчи марта актёр ва режиссёр Шариф Қаюмов бошчилигида ўзи тўплаган ғазаллар, шеърлар ва парчаларни бирга тахрирдан ўтказди-ю, бир актёр театрини ташкил эта олди”.¹

М.Ҳамидов театри адабий-публицистик руҳдаги театр бўлиб мазмунан кишиларни фуқаролик ҳисси руҳида тарбия этишга қаратилган театр эди. Айнан шундай театр қайта тикланганида Истиклол ғояларини жўшқин қалб ҳарорати билан тарғиб этишда айнаи муддао бўларди.

ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ ТЕАТРИ

“Мен ўзим театрман, - дейди Ҳожибой Тожибоев, - мен халқимизнинг қадимий қизиқчилик санъатига ҳавас қилардим. Шунинг учун бу йўлни танладим. Халқ ичида юриб, улардан қизиқ гапларни олиб, ўзларига қайтариб бераман”.² Х.Тожибоев ўзи ёзиб ўзи ижро этувчи ижодкор. Ўзбекистон Давлат санъат институти актёрлик бўлимида таҳсил кўрганлиги, маҳорат сирларини пухта эгаллаганлиги ўзи тўқиган хикоя, ҳаёт лавҳалари орқали ўзининг турли қиёфаларга осонгина кириш лаёқати воситасида ажойиб ғаройиб кимсалар қиёфаларини яратиб, томошабинларда кизғин таассуротлар ҳосил этарди.

Ҳожибой Тожибоев икки тилда ижод қилиб, тожик ва ўзбек томошабинларининг сеvimли қизиқчиларидан бирига айланган эди. Унга Ўзбекистон ва Тожикистонда хизмат

¹ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, -Т., 2002 йил, 25 февраль.

² “Театр” журнали, -Т., 2006 йил, 3-сон.

кўрсатган артист унвони берилди. У санъат саройларида, телеэкранда миллионлаб томошабинлар қалбидан бадихагўй кизикчи сифатида ўрин олди.

Бир актёр театри, хусусан, кизикчи бўлиб халқ даврасига чиқиш касбий тайёргарликдан ташқари алоҳида иқтидорлик ва тинмай ўз устида ишлаш, ҳаётни кузатиш – қисқаси, одамларга айтадиган гапи бор киши бўлиши керак.

“Якка ўзим мухлисларни икки, уч соат ушлаб туришим мумкин, дейди у, - Бунинг учун репертуар нақадар кенг бўлиши кераклигини, қанча меҳнат, қанча сабр-тоқат талаб қилишини тасаввур қила оласизми? Кулги нима, - бу Оллоҳ томонидан берилган неъмат, беғуборлик мезони, - деб жавоб беради у. Чин юракдан кулган инсоннинг руҳияти тозаради, қалбан рутубатдан холи, қушдек енгил тортади”. 2007 йил 59 ёшида дунёдан кўз юмган ажойиб санъаткор Хожибой халқимиз хотирасида такрори йўқ ажойиб кизикчи сифатида бир умрга мухрланиб қолди.

Хожибой Тожибоев санъатига атоқли кизикчи Обид Асомов юқори баҳо берган. У камтарлик билан “Менга ёки Мирза Холмедовга ўхшаб кизикчилик қиладиганлар топилади, - дейди у, - лекин тан олиш керак Хожибой акага ўхшаган кизикчи қайта туғилмайди, у битта эди... У киши ниҳоятда дидли, савияли санъаткор эди... Касал бўлиб дард билан юрганда ҳам концерт тайёрлаб, сўнгги бор меҳр-мухаббатини мухлисларига бериб кетди. Бундай жасорат ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди”.¹

Х.Тожибоевнинг якка чиқишлари, умуман, санъатига хос бадийлик майин юмор, ҳажвий жилодорлик Обид Асомов санъати учун ҳам хосдир. Ўзбек кизикчилари орасида Россия томошабинларига танилган Обид Асомов “Кривое зеркало” Россия телевидение ҳажвий кўрсатувининг доимий иштирокчиси сифатида ўзбек кизикчилик мактабини кенг доирада тарғиб этиб келмоқда. “Худога шукур, - дейди Обид Асомов, - мана икки йил ичида меҳнатим, ҳаракатим билан шунга эришдимки, ҳозир кўчаларда юрсам, қўллари билан кўрсатишади, дастхат сўрашади. Ҳар ҳолда, уларга “ўзбек

¹ “Оила ва жамият” газетаси, 25 декабрь, 2008 йил.

қизиқчилик мактабининг сизларникидан кам жойи йўқ, ҳатто устун жиҳатлари бор. Агар мен ўзбек кулгусининг бор бисотини таржима қилиб, фойдалансам борми, сизларга нон қолмайди, деб ярим чин, ярим ҳазил қиламан”.

МИНИАТЮРАЛАР ТЕАТРИ

Ўзбек эстрада санъатида кенг тарқалган томоша турларидан бири миниатюра театридир.

Миниатюра ижрочилик учун мўлжалланган ҳажман мўъжаз кулгили асар, кескин ўзгариш ва бурилишлар воқеалари тезкор ўсиб, қизиқ ҳолатлар яратиш омилига айланиш туфайли бу жанр томошабинлар эътиборини тортиб келади. Аслини олганда, ўзбек анъанавий театрида қўлланилган аксар комедиялар замонавий миниатюра жанри шаклида бўлган.

1960 йилларда бу жанр “Телевизион миниатюралар театри” номи билан халқ орасида кенг тарқалган томоша турига айланган. Саид Аҳмад, Алп Жамол, Элбек Мусаев сингари адиблар, Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, Садир Зиёвиддинов, Ҳусан Шарипов сингари актёрлар ижоди туфайли миниатюра санъати кенг оммалашиб кетди.

Санъат институтини тугатган бир гуруҳ актёрлар, хусусан, Тўхтамурод Азизов, Мирзабек Холмедов, Ботир Муҳаммадхўжаев, Обид ва Собит Асомовлар ўзаро уюшиб миниатюра томошаси соҳасида эришилган тажрибаларини давом эттирдилар. Уларнинг “Туғриқхона”, “Тиланчи” каби спектакллари кенг томошабинлар орасида қизиқиш билан қабул қилинди.

Уларнинг ҳар бири ўзига хос ижодий шахс, шу боис, уларнинг ҳар бири якка ҳолича ҳам ижодий ишлари билан кенг доираларда кўриниб турадилар. Масалан, О.Асомов “Обидшоу”, М. Холмедов “Мирза қизиқчилар театри” деган ном билан бир қатор ўзига яқин ижодкорлар билан иш олиб бормоқда.

Яна истеъдодли миниатюра усталари кейинги йилларда анча танилиб қолдилар. Булар ҳам санъат институтида таҳсил кўриб ижодда ўз йўлларини излаб, охири унга эришган Зокир Очилдиев ва Ортиқ Султоновлар. Улар “Хандалак” номли

труппа номида ижод қилиб келадилар. Бу труппани “Икки киши театри” деб атаса ҳам бўлади. Сабаби булар бир-бирини тўлдириб ва ҳар бири ўзига хос ижодий қиёфада кўриниб, айтиб чоғда бир-бирини бойитиб ўзига хос театр томошаларини яратиб келмоқдалар.

Ўзбекнинг тўйи кўп. Ҳар бир тўйда хонанда созандалар қатори ўртакаш ёки бошловчи деб аталган иштирокчининг бўлиши ва унинг зиммасига қизиқчиликлар қилиб тўйни кизитиши одат тусига кирган.

Ўртакашлик ўзбек анаънавий театрида етакчи ижодкор ва ташкилотчи ҳисобланган. У ўз ўрнида таъкид этилганидек корфармон деб юритилган.

КОРФАРМОН

Корфармон – ишбоши маъносини англатади. Корфармон анаънавий театрда санъаткорлар тўдасининг раҳбари ва ижрочиликнинг ҳар соҳасида уста ва омилкорлиги билан ажралувчи ижодкор шахсдир.

Корфармон томошанинг ижодкори бўлиш қатори унинг халқ олдида намоиш этишда бирор роль ижрочиси ёки ҳозирги тилда айтиладиган бўлса конференс – ўртакашлик вазифасини ҳам бажарган.

Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тошпўлат Турсунов атоқли қизиқчилардан Ака Бухор Зокиров (1894-1962) билан ўтказган суҳбатлари ва кузатувлари асосида 2007 йили “Янги аср авлоди” нашриётида “Ака Бухор” номли китоб чоп эттирди. Ўзини қизиқчи ёки эстрада артисти, ёки шу соҳанинг моҳири деб билган зот борки, ушбу китоб билан танишиб чиқса, ундан ўзи учун бир олам таассурот ва йўл-йўриқ олиши мумкин.

Т.Турсунов Ака Бухоронинг тўй-томошаларда ўртани қай даражада зукколик ва омилкорлик билан олиб борганлигини куйидагича қизиқарли тарзда тасвирлаган: “Ишни Ака Бухор билан бирга элга хурсандчилик улашаётган санъаткорларнинг тўйига хизмат жараёнига иштирок этишдан бошладим”, - дейди муаллиф, - 1957 йилнинг июнь-ноябрь ойлари оралиғида,

асосан, Чорсу, Камолон, Чигатой маҳаллаларида ўтказилган анчагина тўйларга бориб юрдим.

Тўйда Ака Бухор корфармон сифатида вазифасини меҳмонларга ҳозирланган жойларни ўз ихтиёрига олиш ва тўй эгалари билан ташриф буюрувчиларни кутиб олиш, хонанда, созанда-лар учун тайёрланган сўриларни (одатда иккита жой кенг бўлса учта сўри қўйидирди) кўздан кечириб, бир иккитасини сўрига чиқариб, биронта куйи машқ қилдиришдан бошларди. Гоҳ-гоҳида ҳофизлар учун ҳозирланган сўриларга чиқиб, болиш-ёстиқларни тўғрилаган, дастурхондаги у ё бу нарсанинг жойини алмаштириб қўйгандай бўлиб, жамоа эътиборини ўзига, бўш ўринларга тортарди. Кейин тушиб даврани айланиб, гўё тўй эгаларидан бири, айтилган замонда ўзини ўртани олиб борувчидек кўрсатади. Тўйга келувчилар даврани тўлдириб, бир-икки пиёладан чой ичиб бўлгач, асосий хонандалар ҳовлига ташриф буюрар. Ака Бухор улар билан кўпдан бери учрашмаганидан ҳар бири билан кадрдонлардай кучоқ очиб кўришиб, сўриларга таклиф этарди. Бу корфармон хонадонда-ю созанда-лар ўйлаб топган спектаклнамо тартиб бўлиб, уни маъқул кўрган шодиёна сабабчилари учун тўй одоби ҳисобланар, бу эса маросимга алоҳида файз бағишларди.

Ҳамма жой-жойга ўтириб бўлгач, корфармон маросимнинг сабаби тўй эканлиги, меҳмонлар қатори санъаткорлар, хонанда-ю созанда, аскиячилар, улар қатори ўзининг ҳам ташриф буюрганини ва ўртани олиб боришга масъул қилинганини айтиб, тўйни очиб бериш учун тўй эгасидан ваколат олган одамга сўз навбатини беради. Шундан сўнг навбат хонанда-ю созанда-ларга етар ва Ака Бухор уларнинг номларини айтиб, ҳурматларини ўрнига қўйиб ўтирганларга таништирар: аввал кўшиққа, кейинроқ аскияга, ҳазил мутойибага, ўйин ва шунга ўхшашларга навбат беради. Ўзи эса бир жойда турмас ёки ўтирмас, даврани айланиб, йиғилганлар эътиборини ижро этилаётган куй ёки кўшиқ маромига шундай маҳорат билан улаб юборадики, ҳаракатларида даъват аломати сезилмасди. Бу одам сиймосида масҳарабоз-қизиқчилик билан корфармон-ўртакашлик бир-бирини тақозо этиб, уйғунлашиб

кетганди. Шу сифатлари билан Ака Бухор кўпгина бошқа кизикчилардан фарқланарди.”¹

ДИПЛОМ СПЕКТАКЛЛАРИ УСТИДА ИШЛАШ

Саҳна санъати учун мутахассис етиштириш ўта машаққатли иш: бу касб кишиси ҳам назарий, ҳам амалий тайёргарлиги юқори даражада бўлмаса талаб ва эҳтиёжлари ўсиб бораётган томошабинларга муносиб хизмат кўрсата олмайди. Шу боис, бу касб соҳасида ижтимоий-сиёсий фанлар қатори актёрлик маҳорати, саҳна нутқи, саҳна ҳаракати, вокал-қўшиқчилик сингари кўпдан-кўп амалий дарслар ўтилади.

Ўзбекистон Давлат санъат институти 2005 йили ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлаган энг кекса ўқув юртларидан бўлиб, саҳна санъати учун мутахассислар етиштиришда бой тажриба орттирган. Бу масканда Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаев, Иосиф Радун, Александр Гинзбург сингари йирик театр арбоблари ўзбек саъаткорларининг олий маълумотли тўнғич намояндаларини етиштириб чиқарганлар.

Бугунги профессор-ўқитувчилар олдида ушбу устозлар анъаналарини янги шароитда ривожлантиришдек мураккаб вазифа турибди. Истиқлол даври биздан чинакам миллий эстрада санъатини ривожлантиришни талаб этмоқда. Санъат институтида “Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафедрасини очилиши ҳукуматимизни янги давр санъатини яратишдек шарафли вазифани олға сураётганлигини кўрсатади.

Эстрада санъати табиатан синтетик санъат бўлганлиги учун касбий таълимда бўлғуси мутахассисни кўп қиррали ижодкор сифатида тарбиялаш талаб этилади. Бу мутахассисликдан дарс олиб боровчи педагоглар, бадий раҳбарнинг касбий етуклигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Санъат касбий таълимда ҳар бир талабалар гуруҳи алоҳида услубий, тарбиявий иш олиб боришни талаб этади. Бу индивидуал ишдир. Тўрт йиллик изланишлар – мутахассис

¹ Турсунов Т. Ака Бухор. –Т., 2007, 4-6-б.

домлаларнинг ҳам, талабаларнинг ҳам қандайдир натижаларга эришганликларини диплом спектакли томошаларида амалий намоён бўлади.

Камина бадий раҳбарлигимда 2007-2008 ўқув йилида тўрт йиллик таълимни якунлаган талабалар икки диплом спектаклини намоёйиш этдилар. Бири атоқли шоиримиз Ғафур Ғулом қиссаси асосида Жўра Маҳмуд томонидан яратилган “Шум бола” асари бўлса, иккинчиси, камина томонидан тузилган “Катта шаҳар чироқлари” деган адабий-бадий мусиқали композициядир.

Ҳар иккала спектакл ҳам институт жамоатчилиги ва кафедра томонидан юкори баҳоланди. Муҳокамаларда ҳар иккала диплом иши ҳам етиштирилувчи мутахассислар бугунги кун талаби даражасида эканлиги алоҳида таъкидланди.

Аввало диплом ишлари учун олинган асарлар ҳақида шарҳ бериш лозим. Маълумки, Ғ.Ғулом асари асосида Д.Салимов томонидан яратилган “Шум бола” (сценарий муаллифлари Ш.Аббасов, А.Наумов) бадий фильми болалар ҳақидаги ўзбек фильмлари орасида энг шуҳрат топган, чет элларда ҳам тан олинган фильм эди. Лекин сценарий варианты устида эмас, балки Ж.Маҳмудов томонидан янги вариантыни асос қилиб олинди. Бу вариантда Ғ.Ғуломнинг асари воқеалари тасвири Юсуф қизиқ Шакаржонов труппаси зиммасига юклатилган. Натижада талабаларимизга Юсуф қизиқ, Ака Бухор, Охунжон қизиқ кабилар қиёфасига кириб, қизиқчиликлар қилиб, қўшиқ ва рақслар билан жило бериб антиқа бир томоша тарзида кўрсатиш имконини берди. Яъни, эстрада актёри учун зарур синтетик санъат яратиш имкони туғилди.

“Катта шаҳар чироқлари” асари ҳам, спектакл ҳам ўқув жараёнида туғилди. Асарни режиссёр Нодира Хўжақулиева саҳналаштирган. Мазкур спектаклда ўндан ортиқ лавҳа бор, улар лавҳа номлари билан аталган: “Вокзал”, “Бекат”, “Маҳалла”, “Хонадон 1”, “Хонадон 2,3”, “Сайлгоҳ”, “Совға” кабилар. Улар алоҳида-алоҳида парчалар тарзида кўринса-да, ички фикрий яхлитликка эга.

Якуний томоша - одатдаги атама билан айтганда “диплом спектакли” бу томоша учун эмас, балки касбий таълим талаблари асосига қурилган якуний ўқув ишидир. Талабалар

изланишларини шарҳлашдан аввал, спектаклнинг умумий манзарасини тасаввур этиш лозим: поезднинг тўхташ шовқини, дикторнинг “кичик шаҳардан келган поезд катта шаҳарга келиб тўхтади” деган овози эшитилади. Вокзалнинг гавжум муҳити, поезддан тушганлар қаторлашиб мусиқа остида ўзлари ижро этадиган ролларига хос айрим кийим ва бошқа белгиларни устиларига ёпиб ҳаракатга кирадилар. Қизил кўйлакли клоун қиз лавҳа марказида бўлиб, милиционерни ҳам, бошқаларнинг ҳам эътиборини ўзига тортади. У қўлида манзил ёзилган қоғоз тутиб белгилари кишисини излаб, юқорида номлари келтирилган лавҳалар ўтувчи манзилларда бўлиб, кишилар билан мулоқотга кириб воқеаларда ўзаро боғлиқлик ҳосил этиб боради. “Бекаат” лавҳасида, масалан, кинорежиссёрни Нозли қиз билан учрашуви, соғлом кишини қўлтиқ таёққа суяниб гадоичилик қилиши, “Маҳалла” сахнасида Фаррош ва Бой орасидаги мулоқотларга гувоҳ бўлиб, маълум ҳаётий вазият яратиш кўзда тутилади.

Биз эстрада актёри – бу синтетик ижодкор, яъни турли санъатлар ва улар уйғунлигида кўп қиррали истеъдодини кўрсатувчи ижодкор деймиз. Шу нарса муҳимки, эстрада актёри ҳам драма актёридек сахнавий муҳитни ҳис этиб томошабиннинг кўз ўнгига табиий ва мақсадга мувофиқ тарзда ҳаракат қила олиши керак. Унинг қўшиғи, ракси, сўзи сахнавий вазият доирасида туғилиши лозим. Агар у сахнага чиқиб бирон бир юмиш, фикр, қандайдир руҳий-ижодий фаолият жараёнида кўринар экан, уни томошабин ҳеч сўз айтмаган, қўшиқ қуйламаган чоғда ҳам сахнавий табиийлиги учун эътироф этаверар экан.

“Вокзал” лавҳасида бутун курс қатнашади ва ҳар бири ўзича юриш-туриши, ҳолатлари орқали қандай роль ижро этишлари ҳақида таассурот қолдиради, жонли ҳаётий лавҳа милиционернинг тез-тез ҳуштак чалиниб, мисоли тартибсиз ҳолатни бошқариб турвчи шовқин билан бошланади: валютачи “доллар, танга” деган сўзларни айтиб, билет сотувчи яна бир хил ҳолатга кириб мақсадни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилади, қўлида катта жамадон билан пайдо бўлган клоун қиз ҳайронлик ҳолатида кишиларни кузатиш, мулоқотга кириш илинжида кўринади. Хатти-ҳаракатлар уюшқоқлиги режиссёр чизиғи

натижаси албатта. Лекин табиий ҳолатга кириш ва ўз ташвиши, интилиши билан яшаш – бу талабалар орттирган сабоқ, кўникма натижасидир. Шубҳасизки бунга кўп машқлар, қайтариқлар орқали эришилган. Лекин табиийликни қайтариб бўлмайди. Ўзи туғилсагина жонлик ҳаётий ишонарлилик даражасига кўтарилади. Актёрлик санъатида “айнан шу чоқда, шу лаҳзада”, томошабиннинг кўз ўнгида туғилиши инсон феъл-атвори, қарашлари ўзгаришини англатади.

Саҳнавий муҳит, вазиятни ҳис этиш деганда саҳна ва томоша орасидаги алоқадорлик ҳам кўзда тутилади. Шу маънода эстрада актёри бу санъат табиатига хос мосланувчилик, янги руҳий ҳолат яратиш хусусиятларига мувофиқ тарзда томошабинда кайфият, руҳий қизғинлигини узлуксиз сақлай олиши лозим. “Катта шаҳар чироқлари” спектаклида Гадоё ролини ўйновчи талабамиз Ҳамза Ғофуров 2007-2008 ўқув йили бўйича ўтказилган ёшлар санъати фестивалида “Энг яхши эпизодик роли учун” деган мукофот билан тақдирланди. Бунга у ўз ролини айнан эстрада жанри воситасида яратилганлиги билан эришди. Одамларнинг кўз ўнгида қўлтиқтаёққа суяниб, кўздан узоклашишидаёқ таёғини қўлтиқлаб пул санашга тушиши, залда “касбдоши”ни кўргандек, алдовидан ғурурланиши, такасалтанг бола қиёфасини кулгили тарзда намоён этишга олиб келдики, бу энгил жанрга жуда мос эди.

Эстрада актёри – бу таъбир жоиз бўлса томошачи, яъни роль воситасида томоша кўрсатувчи ижодкор. У бир дақиқа ҳам томоашбинни эсдан чиқаришга ҳаққи йўқ. «Мен бугунги намоишда, - дейди кафедра аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессори В.Н.Сундукова, - катта даражадаги ишнинг гувоҳи бўлдим. Педагогнинг маҳорати тўлақонли сезилиб турди. Жанр юқори даражада аниқ топилган».

ҲАҚ КИМНИНГ ЎЗ МИЖОЗИ БОР

Инсон ўзига яраша либос кийса уни безайди, яъни кўркем ва чиройли қилиб кўрсатишга хизмат қилади. Мижоз тиббиётга хос тушунча. Биз уни театр илмида қўлланилувчи тушунча “амплуа” маъносида ишлатдик. Гап шундаки, санъатда актёр ўз

ички мойиллигига мос келувчи ролда бутун борлиги билан ўз лаёқатини намоён этиши мумкин. Акс ҳолда, юк оғирлик қилиб овози етмай, керакли ўринда зарур ҳолатга киролмай, берилган вазифани барбод этиши турган гап. Бизнинг якуний томоша асаримизда талабалар имконларини етарлича кенг намоён этувчи лавҳа ва роль танлай олганлар. Буларнинг баъзилари: Шаропов Жавлон, Ҳошимова Дилдора, Жалилова Дилафруз, Шарипов Дилмурод кўп жанрли лаёқат эгалари сифатида ўзларини жуда яхши кўрсатдилар. Парчалар уларни ғоятда эркин ҳаракат қилиш, овоз, сўз ифода омилларини очишга унумли хизмат қилган. Кинорежиссёр (Фаёзов Ш. билан Ҳошимова Д.) учрашуви ҳар иккала персонажни қизнинг кинога тушишга ишқибозлиги таъсирида жўшиб ҳаракатга кириши бир ҳол бўлиб, кўз ўнгимизда эстрада артисти синтетик актёр сифатида ажойиб тарзда очилади. Қиз – Д.Ҳошимова рад этилишдан чўчиб, шундай жазавага тушиб ўйнаб, қўшиқ айтадики, бундан ҳангуманг бўлиб қолган режиссёр ҳам беихтиёр ўйинга тушиб кетади.

Уларнинг спектаклдаги чиқишлари ўқув жараёнида машаққатли машқ ва изланишлар оқибатида дунёга келган. Қўлимда санъатшунослик гуруҳи талабаси Гулсевар Зоидованинг кундалиги: У.Ҳошимованинг Ойбек романидан олинган парчада Нури роли устидаги иши ҳақида шундай ёзган: “У сўрида ухлаб ётган Йўлчини кўриши билан унинг ёнига келиб, бир оз тикилиб, секин пичирлаб “Йўлчи ака” деб уйғотмоқчи бўлади-ю, Йўлчини уйғотмайди. Нури бошқача йўл билан уйғотмоқчи бўлиб, унинг чехрасига бир оз қараб, сочларини силаб, меҳри тобланиб, бирдан Йўлчини кучоқлаб олади (Д.Жабборов). Шу ондаёқ сапчиб ўрнидан турар экан, кўркиб кетади. Кўзларини катта очиб “Нури опа” дея қотиб қолади. Нури бўлса, сўрига ётиб олганча хандон отиб қулар эди... Нури “сизга атаб қўйлак тикиб келдим” дея унинг кўзларига меҳр истаб, шундай боқар эдики, қизнинг ўтли нигоҳи Йўлчини эсанкиратиб юборди. Йўлчи ўзини унутиб, ўз-ўзидан Нурии кучоғига олади. Бехосдан миясига қандайдир фикр келиб ўрнидан туриб кетади. Нури ажабланиб унга анграйиб қолди. Педагог: мен репетицияни тўхтатмасдан ярим соат кузатдим. “Қани энди бошладик” деди, Дилшод ва Дилдора сахнадаги

кубларда ўтирганча педагогга кулоқ тутди. Ўқувчилар режиссёр кўрсатган йўлдан боришди. Хуллас, дарсни олти соатга яқин кузатганимни ўзим ҳам сезмай қолибман”. Дилдоранинг кучли эҳтиросли аёллар тимсолини яратишга мойил истеъдод тарзида, ҳам кўшиқда, ҳам раксда, ҳам сўзда персонаж феълиятини тасвирлашга қодир тайёр артист дейиш мумкин. Ўқув давомида “Уйланиш”да Агафья Тихоновна, “Хонима”да Хонима сингари йирик ролларни ижро этди. Икки спектаклнинг бирида Нозли киз, Дайди аёл, “Шум бола”да Жазман аёл тимсолларини ўйнади.

Эстрада санъатида бадиий образ қисқа вақт давомида ўзини намоён этиши керак. Шу боис, персонажнинг сахнадаги кўриниши, ҳаёти ташқаридаги ҳаётнинг маъносини, яъни персонаж феъл-атворини шу қисқа фурсат ичида очиш талаб этилади. Бу эстрада учун бениҳоя жиддий ва энг муҳим принциплардан ҳисобланади. Бундай малакага эришишга ўқиш давомида эгалланиши лозим.

Актёрлик, режиссёрлик бўлимларида режиссура ва актёрлик маҳоратидан дарс бериб эришган тажрибаларим шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқладики, талабанинг ҳар қандай сахнавий вазиятда ўзини шу вазият доирасида мантиқли ҳаракат қила олиши таҳсил жараёнида маҳорат асосларини амалий ўзлаштиришга боғлиқ экан. Айнан касбий таълим жараёнида бўлғуси санъаткор табиатига хос хусусият шаклланиб борар экан.

Д.Ҳошимованинг “Қутлуғ қон”даги Нури роли устидаги машқи ҳақида “Санъатшунослик журналистикаси” 3-курс талабаси Г.Зоидова ёзувидан намуна келтирган эдик. Шу бахонада айтиб ўтиш керакки, актёрлик маҳорати асосларини эгаллаш машаққатли изланиш ва доимий ишлашни талаб этади.

Г.Зоидова кундалигидан яна бир мисол келтирайлик. Гап атоқли ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг “От эгаси” асари асосида Ғофуров Ҳамза ва Жўраев Дилмурод (милиционер)нинг этюдлари устида бормоқда. Зоидова шундай таъкидлайди: “Ҳамза Ғофуров педагог назарида ўйинга оғиб кетди, парчанинг авжини олиш учун “до” парда қолиб “ре”дан кетиб қолаяпсан, отингни эркалашни истайсану, лекин хоҳламаяпсан. Сен учун от энг қадрли кишидек бўлиб қолган. Шу туйғуларни отга ҳашак

бериш, силаб-сийпаш оркали бер, - деди педагог. Шу сўзлар Ҳамзага жон бағишладими, эгарнинг у ер, бу ерини тузатиб, юзида кулги пайдо бўлди, “оббо шунқор, бугун шаҳарда биялар сенга мунтазир, ўзинг ҳам чиройли йигитсан-да, деб кулиб кўйди”. Педагог завқланиб яшавор, бўлар экан-ку. Сен аввал тасодифан тасаввур этдинг. Энди ички тасаввур ташқи ҳаракатни вужудга келтирди” деди педагог.

Ўқув машини эслашдан мақсад шуки, касбий кўникманинг замини мустаҳкам бўлса, талаба ўз табиатига хос йўлни топиб, кичик лавҳа ва образни ҳам фантазияси билан бойитиб кишини ишонтирарли ва айна чоғда кизиқарли нарсаларни ярата олар экан.

Юқоридаги каби машқларнинг самараси Ҳ.Ғофуровнинг “Катта шаҳар чироқлари”да милиционер, Гадой, “Шум бола”да Ака Бухор образлари талқинида кўринди.

Ўша “От эгаси”да милиционер ролида кўринган Д.Жўрабоев “Катта шаҳар чироқлари”да Эр, “Шум бола”да Юсуф қизиқ ва Бой ролларини жозибадор қилиб ижро этишга эришди. Юсуф қизиқ салобатли образ тарзида намоён этилди. Д.Жўрабоев роллари, бир томондан, ҳаётий ишонарли бўлса, иккинчи томондан, ўта завқ бахшилиги билан эътибор топди.

Муסיқа оҳанги остида ҳаракат қила билиш, яъни ҳаракати муסיқа маромига мос тушса, табиийлиги билан томошабин эътиборини тортади, З.Мухамедова бу борада сезгир, пластик қовушумлигини кўрсатди.

Артистни шериксиз якка ўзи сахнада ишлаши эстрада санъатида муҳим хусусиятлардан ҳисобланади. Бундай ҳолда томошабин унга мулоқотдош, ўзаро партнёрлик вазифасини ўтайди. Биз спектаклда ҳали катта санъатга йўл олмаган бошловчи-ижодкор кенг макон кўйнида якка ўз-ўзича яшай оладими, қай даражада томошабин билан мулоқотга киради, унинг эътиборини ўзига жалб этади, деган саволларга амалий жавоби бу якка чиқишлар моҳиятини белгилаб берди. Олиб борилган дарсларда талабаларнинг чиқишлари турлича талқин ва ифода шаклларига эгаллигига гувоҳ бўлдик. Масалан, Ш.Шаропов кўча супурувчи фаррош ролида оддий инсонларга нисбатан ҳайрихоҳлик, меҳр-оқибатлилик туйғусини ифода этиш билан томошабин эътиборини тортди.

Монолог орқали образ моҳиятини очиш ижрочи фантазиясини ва ижодий табиатига хос талқин йўлини топа билиш муҳим. “Катта шаҳар чироқлари”даги алданган аёл монологи коинотга қарата илтижолар ифодаси тарзида талқин этилган. Бу монологни ижро этган З.Мухаммедова хиёнат ва худбинликни энг кабиҳ иллат тарзида тасвир этади.

“Катта шаҳар чироқлари” спектаклида монолог қатори икки киши орасидаги диалог шаклига ҳам кенг ўрин берилди. Икки киши орасида рўй берувчи муносабат уч-тўрт киши орасидаги муносабатга қараганда талаба учун ўз маҳоратини намоён этишда кенгрок имконият яратади. Бизга шу керак эди. Талаба аввало ҳаётий лавҳа моҳиятини чуқур англаб, ишонарли ҳаракат орқали сўз ифодасида, имо-ишора, пластик ифодаларда ўз уқуви ва омилкорлигини кўрсата билиши керак. Ўзаро муносабат бу ҳолда талаба учун шунчаки воқеликни тасвирлаш эмас, уни эстетик таъсир кўрсатиш омилига айлантириш имконини туғдиради.

“Катта шаҳар чироқлари” спектаклимизда уч киши ва ундан кўп персонаж иштирок этувчи лавҳалар ҳам бор. Лекин кўп ҳолларда учинчи шахс икки киши орасидаги муносабатни ривожлантириш учун кўмакчилик вазифасини адо этади. Масалан “Хонадон 1” лавҳасида Қалпоқов (С.Ақбаров) аёли Қалпоқова ва Хонимча орасида юз берувчи антиқа эпизодни бошланишга туртки беради. Лавҳа Қалпоқов ва Хонимчанинг шиддатли рақс тушишидан бошланади. Рақс авжига чиққанда эшик тақиллаб аёл кириб келади. Ваҳима билан пайдо бўлган бу аёл ўз вазоҳати билан Хонимчани мисоли сеҳрлагандек, бир дамда Хонимча олтин буюмларини унга ечиб берганини ўзи билмай қолади.

“Хонадон 2” лавҳаси ҳам асосий икки ва қўшимча учинчи шахс таркиби асосига қурилган. Бу ерда Мижоз (Д.Жалилова) воқеа ечимини белгиловчи шахс тарзида берилган. Воқеа эр (Д.Журабоев) ва Хотин(Д.Жиянбекова)нинг ўзаро жанжалидан бошланади. Жанжал аввалдан давом этувчи келишмовчиликнинг, ҳатто куйди-чикди даражасига борувчи тўполондан бошланади. Ажралиш юрак шакли туширилган қурилмани икки томонга ажралиб сурилиб кетиши орқали ифода этилган. Уйни сотилишидан хабар топган Мижоз пайдо

бўлиб хоналарни кўздан кечирар экан, бу ҳолат икки аразчи ўзаро яқинлашувига сабабчи бўлади, икки ёш қўшиқ айтиб, рақсга тушиб кетадилар.

“Сайлгоҳ” деган лавҳада қиз(Д.Жалилова)ни ва йигит (Д.Шарипов) юқори синф ўқувчилари қиёфасида кўринадилар. Бир-бирини тушунолмай, охири тушунган бу ўсмир қиз-йигит ёшликка хос шўхлигу бегубор севги ҳис-туйғуларини самимий ифода этиб бердилар.

БАЪЗИ ХУЛОСАЛАР

Театр педагогикаси касбий таълимда умумий қоидалар бўлса-да, лекин ҳар бир ижодий шахс учун мос тушувчи тавсиялар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, ҳар бир инсон ўз феълига эга, демак унга ёндашув ҳам шу феълига яраша бўлади.

Инсон табиати турлича бўлгач, табиийки ўқув гуруҳлари ҳам турлича ёндашувни талаб этади. Театр педагогикасида маҳорат ўқитувчисининг изланишлари қай даражада амалий самарадор бўлмасин, бу устознинг омилкорлигидан ташқари талабаларнинг ижодий борлиғига, ўз касбига бўлган садоқатига боғлиқ. Ижодий лаёқатсиз талабадан ижодкор чиқариб бўлмайди.

Бизнинг ишимиз натижаси қандай талаба келишига боғлиқ. Қанча-қанча изланишларимиз беҳуда кетади, соатлаб ишланган машку этюдлар талабанинг укувсизлиги туфайли натижа бермай саробга айланади.

Сўз бораётган курс талабалари, “Шум бола”, “Катта шаҳар чироқлари” спектаклларида иштирок этган дипломчи қиз-йигитлар педагогик фаолиятимда учраган энг истеъдодли ёшлар бўлиб чиқишди.

Институтга улар эстрада театри талабларига, яъни қўшиқ айтса айтадиган, рақсга туш деса тушадиган, маданий даражаси анча юқори, дидли-фаросатли эканликларидан, касбий таълим асосларини тўла ўзлаштира олдилар ва ҳозирда санъатимизнинг турли масканларида халқимизга хизмат қилиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Давлат санъат институтида кечаётган 25 йиллик педагогик фаолиятим давомида шу хулосага келдимки,

театр педагогикаси актёр ижрочилигида фаркли ўларок, ўз қонуниятига эга алоҳида олам экан. Бу ерда актёр ёки режиссёрни намуна тарзида, ўзинг роль ўйнаб, уни санъат соҳаси кишисига айлантира олмайсан. Сабаби, таъкид этганимдек ҳар бир инсоннинг ижодий табиати турлича, шунга мувофиқ келадиган тарбия йўл-йўриғини топишинг керак бўлади. Олинадиган машқми, этюдми, парчами ёки спектаклми – ҳаммаси курснинг имконияти ва ўзига хослигидан келиб белгиланади. Бу талаб эстрада театри актёрлиги соҳасида яна ҳам қийин муаммоларни ечишни тақозо этади. Айниқса, диплом спектакли масаласи ечими қийин муаммолардандир. Биз нега “Катта шаҳар чироқлари” ва “Шум бола” спектакллари диплом иши сифатида олганимиз сабаблари ҳақида изоҳ бериб, улар айнан эстрада актёри ижроси учун кенг имкониятга эга эканлигини таъкид этган эдик. Улар талабалар ижодий индивидуаллигини ҳар томонлама очилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Диплом спектакли бўлғуси санъаткорнинг талабалик ижодида рўй берган воқеа ҳисобланади. Агар тўрт йиллик касбий таълим ҳосиласи бўлмиш – диплом спектаклида талаба ўз роли билан, ижодкорлик қиёфасини намоён этар экан, бу унинг ижодий истиқболи гаровидир.

Биз эстрада санъати ҳақида фикр юритар эканмиз, бу фақат кўнгил очиш воситаси, томошагина эмас, у маълум маърифий, ахлоқий тарбия мақсадига қаратилган санъат эканини унутмаслигимиз керак. Санъат ҳам, айниқса, оммабоп санъат бўлмиш эстрада – бу ҳам мафкуравий қарашларнинг ўзига хос шаклларида. Телевидение каналларида кечаю кундуз четдан эфирга узатилаётган ахлоқ-одобга зид кўрсатувлар, беўхшов эстрада томошалари маънавий олами ҳали такомил топмаган ёшлар тарбиясига салбий таъсир этишини тасаввур қилиш қийин эмас. Биз эстрада санъати учун мутахассис етиштирар эканмиз, ҳеч қачон шундай таъсирлар мавжудлигини унутмай, ўз касбининг устасигина эмас, шу қатори маънавий олами бой, ўз юрти миллий қадриятлари учун кураша оладиган мутахассисларни етиштиришдан чекинмаслигимиз керак.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг кўплаб маъруза ва китобларида мамлакатимизда ислохотлар

ўтказиш халқимиз фаровонлиги йўлидаги туб ижтимоий ўзгаришлар эканини таъкидлаш қатори маънавий ҳақида, айниқса, ёшларни ўз ватанига содиқ фуқаролар сифатида тарбияланиши ҳақида доимий ғамхўрлик кўрсатиб келади. Унинг “Юксак маънавийт – енгилмас куч” китобида яна бир бор маънавийт ҳақида сўз очиб қуйидагиларни ёзди: “Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб олиш ниҳоятда қийин. Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган, дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериш амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида яққол кузатиш мумкин ва уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келишини узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман”.¹

Ўзбек эстрада санъати анъаналари халқимизнинг рангоранг бадиий қадриятларига асосланган ва ҳамиша миллатимиз маънавий раўнақиға хизмат қилувчи анъаналардир. Бугунги эстрада ўз тараққиётида шу анъаналар асосида юксалишда давом этмоқда.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавийт – енгилмас куч, 2008, 113-б.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И. Истиқлол ва маънавият. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Истиқлол ва миллий театримиз намояндалари. Тўплам. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
5. Клитин С. Эстрада. Проблемы теории, истории и методики. –Л.: Искусство, 1987.
6. Муҳиддин Қори Якубов хужжатли монография. Рус тилида. –Т.: Ғ.Ғулом, 1984.
7. Маҳмудов Ж., Маҳмудова Х. Режиссура асослари. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
8. Раҳмонов М. Ўзбек театри (қадим замондан XVIII асрга қадар). –Т.: Фан, 1975.
9. Турсунов Т. Ака Бухор. –Т.: Янги аср авлоди, 2007.
10. Усмонов Р. Режиссура. –Т.: Фан, 2003.
11. Шароев И. Режиссура эстрады и массовых представлений. –М.: Просвещение, 1986.
12. Қодиров М. Ўзбек театри тарихи (XVIII-XX асрлар). –Т.: Ижод дунёси, 2003.





МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
Эстрада санъати тарихидан лавҳалар.....	5
Эстрада ижодкорлигининг ўзига хослиги.....	9
Эстрада санъатида жанр ва шакллар.....	12
Театрлашган байрам томошалари.....	15
Бир актёр театри.....	19
Ҳожибой Тожибоев театри.....	21
Миниатюралар театри.....	23
Корфармон.....	24
Диплом спектакллари устида ишлаш.....	26
Ҳар кимнинг ўз миқдори бор.....	29
Баъзи ҳулосалар.....	34
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	37

Наширға масъул:

Д. КАРАБАЕВА

Техник ҳодим:

К. ХАЛИЛОВ

Компьютерға терувчи:

Д. НАЗИРОВА

Босишға рухсат берилди 2009 йил 27 апрель. Бичими
148Х210. Босма табағи 2,5. Офсет қоғозида. Адади 300.
Буюртма №36. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Давлат санъат институти Босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мироншоҳ – 123.